

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.29.08.2017. FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНОВ БАХТИЁР УМРЗОКОВИЧ

**НОДИР ЕР ВА ЎТУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР БОРАТЛАРИНИНГ ЮҚОРИ
ҲАРОРАТЛАРДАГИ МАГНИТ ХОССАЛАРИ**

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physicalmathematical sciences**

**Амонов Бахтиёр Умрзоқович
Нодир ер ва ўтувчи элементлар боратларининг юқори хароратлардаги
магнит хоссалари. 3**

**Амонов Бахтиёр Умрзоқович
Магнитные свойства боратов редкоземельных и переходных элементов
при высоких температурах. 21**

**Amonov Bakhtiyor Umrzokovich
Magnetic properties of borates of rare-earth and transition elements at high
temperatures. 39**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works. 43**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.29.08.2017. FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНОВ БАХТИЁР УМРЗОКОВИЧ

**НОДИР ЕР ВА ЎТУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР БОРАТЛАРИНИНГ ЮҚОРИ
ҲАРОРАТЛАРДАГИ МАГНИТ ХОССАЛАРИ**

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида ВМ2017.2.PhD/FM73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кувандиков Облокул Кувандикович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нормуродов Муродулло Тоғаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Рамазанов Асрор Хамроевич
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.29.08.2017.FM02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (**Манзил:** 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. **Тел.:** (99866) 239-13-87, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40; **e-mail:** rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). **Манзил:** 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. **Тел.:** (99866) 239-13-87, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Х. Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Р.М.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н., доцент

Д.И.Семенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда замонавий фан ва техниканинг жадал суратлар билан ривожланиши уникал физико-химиявий хоссаларга эга бўлган янги истиқболли магнит материаллар яратиш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги вақтда материалшуносликда таркибида $3d$ - ва $4f$ - элементлар бўлган бирикмалар: кристалл структурасининг тузилиши жиҳатдан табиий хантит минералининг кристалл структурасига ўхшаш бўлган мультиферроиклар деб аталувчи нодир ер элементли ферро- $RFe_3(BO_3)_4$ ва алюмино - $RAI_3(BO_3)_4$ боратлар қўлланилиш соҳасига қараб илмий ва амалий жиҳатдан ўта истиқболли материаллар ҳисобланади. Бундай материалларга бўлган қизиқиш нафақат мазкур материалларнинг турли хил масалан, магнит, магнитооптик, резонанс ва бошқа физик хоссаларга¹ эга эканлиги, балки, амалий аҳамияти билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар лазер қурилмалари ва ҳисоблаш техникалари, амалий магнитооптика, турли микроэлектроника асбобсозлик техникалари, магнитоакустика ва бошқа соҳаларнинг асосий ишчи магнит материаллари сифатида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда фундаментал нуқтаи назардан, нодир ер элементлари асосидаги магнит материалларининг, яъни мультиферроикларнинг магнит хоссаларини ўрганиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, бошқа магнит материалларга нисбатан мультиферроикларда индуцирланган магнит майдонида фазавий ўтишлар жараёнидаги кескин аномал ўзгаришлар кузатилиши, олиниш технологиясининг мукаммаллигидир. Шу нуқтаи назардан нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатларда парамагнит тартибни ҳосил қилиш, электр ва магнит хоссаларини ўрганиш ва уларнинг магнит ўзаро таъсир механизмларини аниқлаш материалшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, илмий ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, янги магнит материаллар олиш технологиясини яратиш, уларнинг электр, магнит, гальваномагнит ҳамда оптик хоссаларини тадқиқ қилишга ва амалиётда қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Магнит материалларда кечаётган физик жараёнлар асосида ишлайдиган асбобларнинг янги авлодини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш натижасида, мавжудларидан тубдан фарқ қилувчи, арзон ва тежамкор технологияларни яратиш орқали магнитооптик, ҳисоблаш техникаси саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ канд.дисс. Волков Д. В. Магнитные и магнитоупругие свойства редкоземельных ферроборатов $RFe_3(BO_3)_4$, R = Nd, Tb, Dy. Москва.- 2007

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон “2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда илмий нашрларда $RM_3(BO_3)_4$ умумий формулани (бунда R – лантаноидлар; M – Fe ёки Al) боратлар янги магнит материаллар – мультиферроиклар деб аталиб, уларда, янги турдаги магнитоэлектрик ўзаро таъсир туфайли бир вақтда юз берадиган ва катта амалий аҳамиятга эга бўлган, магнитоэлектрик эффектлар – ферромагнит ва ферроэлектрик тартибланиш ҳодисаларини кузатиш мумкин. Бундай материалларнинг магнит хоссаларини юқори температураларда ўрганиш магнит ҳодисалари физикаси учун ҳам, улардан амалда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Нодир ер ва ўтувчи элементлар боратларининг физик хоссаларини ҳам назарий ҳам тажрибавий жиҳатдан ўрганиш бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, жумладан P. Fischer (АҚШ), С. Ritter, (Франция), X. Chen (Хитой), Y. Hinatsu (Япония), Н. И. Леонюк, А.Н. Васильев, Л. Белоконева, Л.И. Альшинская, М.А. Симонов, С. А. Климин, Д. В. Волков, А. А. Демидов, А. К. Звездин (Россия), R Szymczak (Польша), Flaviu R. V. Turcu, Ago Samoson, ‡Diana L. Trandafir, Simion Simon (Руминия) ва Maria Maier (Эстония) лар томонидан ўрганилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу соҳанинг ривожланишига Ўзбекистонлик олимлардан профессор ф.-м.ф.д., О. Қ. Қувондиқов, ф.-м.ф.н., доц. Х. О. Шакаров, ф.-м.ф.н., доц. З. М. Шодиевлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Охирги йиллардаги ўтказилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, нодир ер ва ўтувчи элементлар боратлари [$GdFe_3(BO_3)_4$, $ErFe_3(BO_3)_4$, $DyFe_3(BO_3)_4$, $YFe_3(BO_3)_4$, $NdFe_3(BO_3)_4$, $NdAl_3(BO_3)_4$, $Nd_{0.65}Y_{0.35}Al_3(BO_3)_4$, $GdAl_3(BO_3)_4$, $Gd_{0.2}Y_{0.8}Al_3(BO_3)_4$, $TbAl_3(BO_3)_4$, $ErAl_3(BO_3)_4$ ва $HoAl_3(BO_3)_4$] нинг магнит хоссалари ва электрон тузилиши паст температураларда яхши ўрганилган бўлиб, уй температурасидан юқори температураларда жуда кам ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг бош мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нодир ер ва ўтувчи элементлар боратлари [$\text{GdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{DyFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{YFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$] магнит қабул қилувчанлигининг ҳароратга боғланишини $[\chi(T)]$ уй ҳароратидан юқори ҳароратларда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$\text{GdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{DyFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{YFe}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{NdFe}_3(\text{BO}_3)_4$ нодир ер элементлари асосидаги ферроборатларнинг $\chi(T)$ боғланишларини 293-1123 К температуралар оралиғида тажрибада ўлчаш;

$\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ и $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$ нодир ер элементлари асосидаги алюминоборатларнинг $\chi(T)$ боғланишларини 293-1223 К температуралар оралиғида аниқлаш;

ўрганилган намуналарнинг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидан фойдаланиб, уларнинг асосий магнит характеристикалари: парамагнит Кюри температураси Θ_p , Кюри–Вейсс доимийси–С, намуналарнинг кимёвий формула бирлигига тўғри келувчи магнит моменти $-\mu_{\text{фop}}$ ларни ҳисоблаш;

ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини замонавий магнетизм моделлари ва назариялари асосида таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нодир ер ва ўтувчи элементларнинг боратлари [$\text{GdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{DyFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{YFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$] олинган.

Тадқиқотнинг предмети температура ва ташқи магнит майдон таъсири натижасида нодир ер элементлари асосидаги ферро ва алюминоборатларда вужудга келадиган полиморф (структурвий) фазавий ўтиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Нодир ер ва ўтувчи элементлар боратлари [$\text{GdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{DyFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{YFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdFe}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$] нинг юқори температураларда магнит қабул қилувчанлигини маятниксимон магнит тарози ёрдамида ўлчашнинг Фарадей усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатларининг парамагнит ҳолатдаги магнит қабул қилувчанлиги юқори 293-1123 К ҳарорат оралиғида илк бор экспериментал аниқланган;

текширилган боратларнинг экспериментал $\chi^{-1}(T)$ қийматларидан фойдаланиб, Кюри-Вейсс доимийси (С), парамагнит Кюри ҳарорати (Θ_p); кимёвий формула бирлигига тўғри келувчи магнит моменти ($\mu_{\text{ф}}$) ва намунада битта магнитофаол элемент атомига тўғри келадиган эффектив магнит

моментини ($\mu_{\text{эфф}}$) ҳисоблаш орқали, боратларда алмашинув ўзаро таъсир магнитфаол ионлар томонидан амалга ошиши аниқланган;

нодир ер элементли ферро- ва алюминоборатларнинг паст ҳароратларда магнитоэлектрик хоссага ва юқори ҳароратларда полиморф (структуравий) ўтишларга эга бўлиши экспериментал аниқланган;

$\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ бирикмаларидаги Nd ва Gd элементларининг атом улушларининг иттрий атомлари билан ($\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}$) ва ($\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}$) стехиометрик нисбатда ўзгартирилиши, шу бирикмаларнинг ҳар бир полиморф фазасида магнит моментларининг камайишига олиб келиши илк бор аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси шундан иборатки, нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатларида кузатилган (полиморф) структуравий ўтишлар намуналарнинг магнит хоссасига боғлиқлиги назарий ҳисоблашлар орқали кўрсатилган;

нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатларида ташқи магнит майдонни, температуранинг ва намуналар таркибида 3d- ва 4f- элемент ионларининг нисбий улушларини ўзгартириш ёрдамида магнит хоссасини эффектив бошқариш мумкинлиги кўрсатилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқотда ўрганилган намуналарнинг магнит хоссасини тадқиқ қилишда илмий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган ишончли тажрибавий текширув усуллари ва қурилманинг қўлланилганлиги; диссертацияда олинган натижаларнинг назарий ва тажрибавий қийматларининг ўзаро яхши мос келганлиги; ўлчаш хатоликларининг батафсил таҳлил қилинганлиги; олинган натижаларнинг мавжуд физик тасаввурлар ҳамда илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга зид келмаслиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида магнетизмнинг замонавий назариялари бўйича таҳлил қилиб олинган натижалар нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатлар магнетизми ҳақидаги физик тасаввурларни, назарияларни янада ривожлантириш учун хизмат қилади. Шунингдек, диссертацияда олинган натижалар нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатлар магнит хоссаларини ўзига хос томонларини ягона яқинлаштириш асосида тушунтириш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 3d- ва 4f- ўтrockлашган электронларга бир вақтда эга бўлган мураккаб бирикмаларнинг физик хоссаларини ташқи магнит майдони, температура ва бирикмада 3d- ва 4f- элемент ионларининг нисбий улушларини ўзгартириш ёрдамида эффектив бошқариш мумкинлиги билан бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида олдиндан башорат қилинган физик хоссали янги магнит материалларини яратиш муаммосининг ижобий ечимини топиш учун зарурдир.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборат $\{\text{RM}_3(\text{BO}_3)_4$ (бу ерда $\text{R}=\text{Dy}$,

Gd, Er, Nd, Y, M=Fe или Al)} кристалларининг парамагнит ҳолатида магнит хоссасини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Нодир ер элементлари асосидаги ферро- ва алюминоборатларнинг парамагнит ҳолатда магнит қабул қилувчанлигининг температурага боғлиқлиги натижалари 12-05-00912 рақамли «Новые микроразмерные минералы редкоземельных боратов как прототипы синтетических монокристаллов», 13-05-90450 рақамли «Синтез и исследование механизмов взаимодействия центров люминесценции в кристаллах боратов», 18-05-01085 рақамли «Синтез и изучение структурных и морфологических особенностей редкоземельных боратов как структурных аналогов природных минералов» лойиҳаларида полиморф фазавий ўтишларни таҳлил қилишда қўлланилган (Москва давлат университети, 2018 йил 19 апрелдаги 115-18/107-03-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши, боратларнинг кристалл ва магнит тузилишини тушунтириш имконини берган;

нодир ер ферро- ва алюминоборатларининг парамагнит қабул қилувчанлигининг температурага боғлиқлиги ҳамда нодир ер ферро- ва алюминоборатларининг парамагнит хоссалари ЁФ-2-1 рақамли “Ориентациявий ўзаро таъсирни инобатга олган ҳолда феррит-гранатлардаги фазавий ўтишлар ва магнитооптик хусусиятларни тадқиқ этиш” мавзудаги лойиҳада феррит-гранат кристаллардаги магнитооптик эффектларнинг ҳароратга боғлиқлигини таҳлил қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 майдаги 89-03-1784-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кучсиз ферромагнетикларда фото сезгирлик модели масалаларини тушунтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилиниб тегишли муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни асосан 13 та илмий ишларда чоп қилинган бўлиб, улардан 7 тасини халқаро ва республика миқёсидаги илмий – амалий анжуман тезислари, 6 тасини эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган мақолалар ташкил қилади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари билан мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Нодир ер элементли ферро- ва алюминоборатларнинг магнит хоссаси ҳақида назарий ва экспериментал ишлар бўйича адабиётлар шарҳи**” деб аталган биринчи бобда нодир ер металлларининг электрон структураси, иккита магнит тизимли $RM_3(BO_3)_4$ (бу ерда $R = Dy, Gd, Er, Nd, Y, Tb, Ho$; $M = Fe$ ёки Al) нодир ер ферро- ва алюминоборатларининг магнит хоссалари; паст температураларда нодир ер ферро- ва алюминоборатларининг магнит қабул қилувчанлигининг температурадан боғлиқлиги ва уларнинг парамагнит хоссасини ўрганиш бўйича асосий тажриба натижалари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Олинган натижалар парамагнетизм учун Ван-Флек назариясини янада такомиллаштиришга, локаллашган 4f-электронларнинг ўтроклашиши ва мусбат уч зарядли нодир ер ионлари моделини тушунтиришда муҳим ҳисобланади.

Биринчи бобда баён қилинган адабиётлар шарҳидан келиб чиқиб қуйидаги мақсад ва вазифалар қўйилди:

$GdFe_3(BO_3)_4$, $ErFe_3(BO_3)_4$, $DyFe_3(BO_3)_4$, $YFe_3(BO_3)_4$ ва $NdFe_3(BO_3)_4$ нодир ер элементли ферроборатларнинг $\chi(T)$ боғланишларини 293-1123 К температуралар оралиғида тажрибада ўлчаш;

$NdAl_3(BO_3)_4$, $Nd_{0.65}Y_{0.35}Al_3(BO_3)_4$, $GdAl_3(BO_3)_4$, $Gd_{0.2}Y_{0.8}Al_3(BO_3)_4$, $TbAl_3(BO_3)_4$, $ErAl_3(BO_3)_4$ и $HoAl_3(BO_3)_4$ нодир ер элементли алюминоборатларнинг $\chi(T)$ боғланишларини 293-1223 К температуралар оралиғида ўрганиш;

Ўрганилган намуналарнинг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидан фойдаланиб, уларнинг асосий магнит характеристикалари: парамагнит Кюри температураси θ_p , Кюри–Вейсс доимийси–С, намуналарнинг кимёвий формула бирлигига тўғри келувчи магнит моменти $-\mu_{фор}$ ларни ҳисоблаш;

Ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини замонавий магнетизм моделлари ва назариялари асосида таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш.


Диссертациянинг “**Нодир ер элементли ферро- ва алюминоборатларнинг юқори температураларда магнит қабул**

қилувчанлигини ўлчаш усули ва техникаси” деб номланган иккинчи бобида намуналарни олиниш усуллари, тажриба тадқиқотлари қурилмасининг баёни келтирилган. Батафсил таҳлиллар кўрсатдики, ушбу қурилмада магнит қабул қилувчанликни ўлчашдаги максимал хатолик 3% дан ошмайди.

Нодир ер ва ўтувчи элементлар боратлар $\{GdFe_3(BO_3)_4, ErFe_3(BO_3)_4, DyFe_3(BO_3)_4, YFe_3(BO_3)_4, NdFe_3(BO_3)_4, NdAl_3(BO_3)_4, Nd_{0.65}Y_{0.35}Al_3(BO_3)_4, GdAl_3(BO_3)_4, Gd_{0.2}Y_{0.8}Al_3(BO_3)_4, TbAl_3(BO_3)_4, ErAl_3(BO_3)_4, HoAl_3(BO_3)_4\}$ ни тайёрлаш ва уларнинг структуравий таҳлили Москва давлат университети геология факультети кристаллография ва кристаллохимия кафедрасида бажарилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Нодир ер элементли ферроборатларининг юқори ҳароратлардаги магнит хоссалари”** деб аталиб, унда темир оксиди ва $RM_3(BO_3)_4$ нодир ер ферроборатларининг кристалл ва магнит структураси, нодир ер ферроборат $RFe_3(BO_3)_4$ ($R=Dy, Gd, Er, Nd, Y$) ларининг 293-1123 К температуралар оралиғидаги магнит қабул қилувчанлиги ҳамда магнит характеристикалари тадқиқоти натижалари баён қилинган.

Ўрганилган нодир ер ферроборатларининг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланиши мос равишда 1 а) ва б) расмларда тасвирланган.



1- расм. Нодир ер элементли ферроборатларининг магнит қабул қилувчанлиги тескари қийматининг температурадан боғлиқлиги.

Нодир ер ферроборатларининг $\chi^{-1}(T)$ - боғланишини (1-расм) таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, $GdFe_3(BO_3)_4$ учун 853 К ва 943 К ларда, $DyFe_3(BO_3)_4$ учун 903 К ва 973 К ларда, $ErFe_3(BO_3)_4$ учун 793 ва 873 К ларда, $YFe_3(BO_3)_4$ учун 623 К ва 923 К ларда, $NdFe_3(BO_3)_4$ учун эса 273 К ва 943 К ларда икки марта синадиган, чизиқли табиатга эга. Шуни таъкидлаш керакки,

биринчи синишгача бўлган соҳада $\chi^{-1}(T)$ боғланишларнинг тиклиги ошиб боради, иккинчи синишдан кейинги соҳада эса тиклик нисбатан камаяди.

Ўрганилган намуналар учун $\chi^{-1}(T)$ боғланишнинг чизиқли табиати шундан далолат берадики, $\text{GdFe}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-1123 К, 853-943 К, 943-1123 К, $\text{DyFe}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-903 К, 903-973 К, 973-1123 К, $\text{ErFe}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-793 К, 793-873 К, 873-1123 К, $\text{YFe}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-623 К, 623-923 К, 923-1123 К, $\text{NdFe}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-673 К, 673-943 К, 943-1123 К температуралар оралиғида $\chi = C/(T - \theta_p)$ (бу ерда С-Кюри – Вейсс доимийси, θ_p - парамагнит Кюри температураси) чизиқли Кюри – Вейсс қонунига бўйсинади.

Ўрганилган нодир ер ферроборатларининг $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидаги синишларни қуйидагича тушунтириш мумкин. $\text{RFe}_3(\text{BO}_3)_4$ оиласига мансуб барча кристаллар R32 фазовий симметрия гуруҳига мансуб бўлиб, тригонал структурани намоён қилади. Катта радиусли ионга эга бўлган (R=Nd) барча бирикмалар структураси жуда паст температураларгача ўзгармас қолади². Бирикмалардаги ионларнинг радиуси камайиши билан кристалланиш температураси ошади (R=Y ($R_{ion}=0.89\text{Å}$) учун кристалланиш температураси $T_S=445\text{K}$)³. Бу эса кичик радиусли ионлари мавжуд бўлган бирикмалар (R=Gd, Dy, Er) да структуравий фазавий ўтиш рўй беришини кўрсатади. Нодир ер ферроборатларида R32→P3₁21 структуравий фазавий ўтиш натижасида баъзи фазовий трансляцияларнинг йўқолиши, фазовий симметрия груҳларининг ҳамда элементар кристалл панжара ҳажми ва шаклининг (ромбоэдрик кристалл панжара учун $T>T_S$ ва гексагонал структурага эга панжара учун эса $T<T_S$) ўзгариши А. М. Кадомцева, Ҳ. Нинатсу ларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Бундан ташқари А. М. Кадомцева нодир ер ферроборатларида структуравий фазавий ўтишларни термик кенгайиш коэффициентини ёрдамида кузатган.

Ўрганилган нодир ер ферроборатларининг $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидаги синишлар магнит фазавий ўтишлар билан боғлиқ дейиш ҳақиқатдан йироқдир. Уларни фақат полиморф (структуравий) ўтишлар билангина тушунтириш мумкин. Ўрганилган боратларнинг кучли магнит хоссасини уларнинг таркибидаги 3d– металл – Fe ва 4f– нодир ер металлари – Gd, Er, Dy ва Nd ҳосил қилади, $(\text{BO}_3)_4$ – радикал кучсиз парамагнит хоссага эга.


Шундай қилиб, ўрганилган нодир ер ферроборатларининг $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидаги кузатилган синишларни температура таъсирида уларнинг кристалл панжарасида структуравий фазовий ўтиш билан тушунтириш мумкин.

$\text{RFe}_3(\text{BO}_3)_4$ боратлар кристалл панжарасининг элементар ячейкаси, тузилиши жиҳатидан, табиий $\text{CaMg}_3(\text{CO}_3)_4$ - хантит минерали кристалл панжарасининг элементар ячейкаси билан бир хилдир (2-расм). Бу ячейка R32 ($D_{3/2}^7$) тригонал фазовий груҳга мансуб бўлиб, учта формула

² А. М. Кадомцева и др. Письма в ЖЭТФ, 87(45), 2008

³ А. М. Kadomtseva, et all. Low temperature Physics, 36(6):511-521, 2010; Ҳ. Нинатсу, et all. Journal of solid state chemistry, 172:438, 2003

бирлигидан ташкил топган: RO_6 (учларида кислород ва марказида R жойлашган призма), FeO_6 (учларида кислород ва марказида Fe иони жойлашган октаэдр) ва BO_3 (учларида кислород ва марказида B жойлашган учбурчак). Уч ўлчовли кристалл фазосида FeO_6 октаэдрлари кирралари билан ўзаро кучсиз боғланиб кристаллнинг C_3 ўқи бўйлаб чўзилган бир ўлчамли винтсимон занжир ҳосил қилади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, FeO_6 октаэдр кристаллнинг шу занжири параметрлари температура ортиши билан ўзгариши натижасида иккита структуравий ўтишлар юз беради.



2 - расм. $RFe_3(BO_3)_4$ – ферроборатнинг кристалл структураси.

Демак, ўрганилган нодир ер ферроборатларининг $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидаги синишлар, уларга мос температураларда, кристалл панжарада юз берадиган структуравий фазовий ўтишлар билан бевосита боғлиқ.

Ферроборатларнинг $\chi(T)$ тажрибавий боғланишларини назарий жиҳатдан қуйидагича ёзиш мумкин. Уларнинг кристалл панжарасини иккита магнит тизимли, яъни нодир ер метали (R) ҳамда темир (Fe) ионларидан иборат панжарачаларга бўламиз.

Бу иккита магнит системалар нодир ер ферроборатларининг магнит қабул қилувчанлигига ўз улушларини қўшади:

$$\chi = \chi^R + \chi^{Fe} \quad (1)$$

Парамагнит соҳада ($T > \theta_p$), яъни нодир ер ва темир гуруҳи металлларидан иборат системалари орасидаги ўзаро таъсир ҳисобга олинмайдиган даража кичик соҳа учун ҳар бир магнит тизим ионлари (χ^R ва χ^{Fe}) учун магнит қабул қилувчанлигини Ван-Флек формуласи орқали ёзиш мумкин:

$$\chi = g_J^2 \mu_B^2 \frac{1}{Z} \sum_n e^{-\frac{E_n}{k_B T}} \left(\frac{\langle n | \hat{M}_z | n \rangle^2}{k_B T} + 2 \sum_{m \neq n} \frac{\langle n | \hat{M}_z | m \rangle^2}{E_n - E_m} \right), \quad (2)$$

Бу ерда g_J - Ланде фактори; Z – статик йиғинди; \hat{M}_z - z ўқи бўйича магнит моменти ўртача қиймати оператори; $\langle n | \hat{M}_z | m \rangle^2$ - \hat{M}_z операторининг матрица элементи; $\Delta E = E_n - E_m - 4f$ (ёки $3d$) – электронларининг асосий ва уйғонган ҳолати ўртасидаги энергиялар фарқи; k_B - Больцман доимийси; μ_B - Бор магнетони; T – абсолют температура. (2) ифодадаги биринчи ва иккинчи ҳадлар мос равишда магнит қабул қилувчанликнинг ориентацион (температурадан боғлиқ) ва ванфлек қутбланиши (температурадан боғлиқ бўлмаган) ҳадлари.

Ўрганилган нодир ер ферроборатлари $\chi^{-1}(T)$ тажрибавий боғланишининг чизиқли характери (1-расм) шундан далолат берадики, улар учун (2) ифоданинг иккинчи ҳади ҳисобга олмас даража кичик қийматга эга.

Нодир ер элементи эркин ионлари ($\Delta E \gg k_B T$ кенг мультиплетликка эга ҳол) системаси учун (2) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\chi^R = \frac{N_A}{M} \cdot \frac{g_J^2 \mu_B^2 J(J+1)}{3k_B T} = \frac{N_A}{M} \cdot \frac{\mu_{\text{эфф}}^2}{3k_B T}, \quad (3)$$

Бу ерда $\mu_{\text{эфф}}^2(R^{3+}) = g_{R^{3+}}^2 J(J+1) \mu_B^2$ - битта нодир ер элементи ионига тўғри келувчи эффектив магнит момент; N_A – Авогадро сони; M – нодир ер элементининг атомар массаси.

Темир эркин ионлари ($\Delta E \approx k_B T$ -тор мультиплетликка эга ҳол) системаси учун парамагнит қабул қилувчанликнинг температурадан боғлиқлиги (2) ифода ($3d$ -электронларининг “музлатилган” орбитал моментларини ҳисобга олган ҳол) учун қуйидаги кўрнишга келади:

$$\chi^{Fe} = \frac{N_A}{M} \cdot \frac{g_S^2 \mu_B^2 S(S+1)}{3k_B T} = \frac{N_A}{M} \cdot \frac{\mu_{\text{эфф}}^2}{3k_B T}, \quad (3^*)$$

Бу $\mu_{\text{эфф}}^2(Fe^{3+}) = g_{Fe^{3+}}^2 S(S+1) \mu_B^2$ - темир ионга тўғри келувчи эффектив магнит момент, J – нодир ер ионининг тўла механик моменти, $g_{R^{3+}}$ - Ланде фактори. R^{3+} ва Fe^{3+} ионларига тўғри келувчи тўла эффектив магнит моменти қуйидагича аниқланади: $\mu_{\text{эфф}}^2 = \mu_{\text{эфф}}^2(R^{3+}) + 3\mu_{\text{эфф}}^2(Fe^{3+})$.

Кристалл ҳолатда R (ёки Fe) ионлари орасидаги магнит ўзаро таъсир бу ўзаро таъсир энергиясига пропорционал бўлган θ_p параметр орқали ҳисобланади. Агар (2) ва (3) формуладаги T ни $T - \theta_p$ га алмаштирсак, бу

ўзаро таъсир ҳисобга олинади ва $C = \frac{N_A}{A} \frac{\mu_{\text{эфф}}^2}{3k_B}$ белгилаш киритсак, Кюри-Вейснинг эмпирик қонунига эга бўламиз:

$$\chi = \frac{C}{T - \theta_p}, \quad (4)$$

Нодир ер элементли ферроборатларининг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланишларига [(4) дан $\chi^{-1} = (T - \theta_p)/C$], информаион ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда, (4) ифодага энг кичик квадратлар усулини қўллаб, уларнинг асосий магнит характеристикалари θ_p - парамагнит Кюри температураси, C – Кюри-Вейсс доимийси, ҳамда Кюри-Вейсс доимийсининг қийматидан фойдаланиб, ўрганилган ферроборатлар кимёвий формула бирлигига тўғри келадиган магнит момент куйидаги ифода бўйича ҳисоблаб топилди:

$$\mu_\phi = 2,83\sqrt{CM} \mu_B, \quad (5)$$

Бу ерда M – нодир ер ферроборатининг моляр массаси.

Ўрганилган намуналар учун парамагнит Кюри температураси, Кюри–Вейсс доимийси, R^{3+} ва Fe^{3+} ионларига тўғри келувчи эффектив магнит моментларининг ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвал.

Нодир ер ферроборатларининг асосий магнит характеристикалари

Намуналар	Темпер. оралиғи, К	θ_p , К	$C, 10^{-2} \text{ см}^3 \cdot \text{К} \cdot \text{Г}^{-1}$	μ_ϕ, μ_B	S		L		J		g		$\mu_{\text{эфф}}, \mu_B$
					R	Fe	R	Fe	R	Fe	R	Fe	
DyFe ₃ (BO ₃) ₄	293-903	-157	5.16	15.30	5/2	5/2	5	0	15/2	5/2	1.33	2	14,75
	903-973												
	973-1123	707	8.17	19.22									
GdFe ₃ (BO ₃) ₄	293-853	- 897	3.78	13.05	7/2	5/2	0	0	7/2	5/2	2	2	12,95
	853-943												
	943-1123	- 77	8.45	19.46									
ErFe ₃ (BO ₃) ₄	293-793	- 677	2.09	9.78	3/2	5/2	6	0	9/2	5/2	1.14	2	13,69
	793-873												
	873-1123	-737	2.04	9.65									
NdFe ₃ (BO ₃) ₄	293-673	-207	19.23	9.17	3/2	5/2	6	0	15/2	5/2	0.57	2	10,62
	673-943	183	10.99	6.93									
	943-1123	-607	20.71	9.52									
YFe ₃ (BO ₃) ₄	293-623	153	9.3	18.86		5/2		0		5/2		2	
	623-923	-627	4.85	13.82									
	923-1173	-1372	12.92	22.55									

Жадвални таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, θ_p , C ва μ_ϕ бўйича умумий қонуният кузатилмайди. θ_p - нинг манфий қийматга эга бўлиши ўрганилган боратларнинг паст температураларда антиферромагнит тартибланган ҳолатга эга бўлишидан далолат беради.


Тажриба натижаларига кўра, нодир ер металлларининг магнит моментлари деярли ўзгармай қолади. Бу шундан далолат берадики, ўрганилган нодир ер ферроборатларида уларнинг магнитофаол атоми квант ҳолатида бўлади. θ_p - алмашинув ўзаро таъсир энергиясини ифодалаганлиги сабабли, магнит тартибланганлик ҳосил бўлганда нодир ер металлари

ионлари 4f- қобикдаги электронлари ҳамда темир ионлари 3d – қобикдаги электронлари ўртасидаги магнит алмашиш ўзаро таъсири ошади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Нодир ер элементли алюминоборатларининг юқори ҳароратлардаги магнит хоссалари**” деб аталиб, унда нодир ер элементли алюминоборатининг кристалл структураси ва нодир ер алюминоборат $\text{RAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ($\text{R}=\text{Nd}, \text{Gd}, \text{Tb}, \text{Ho}, \text{Er}$) и ($\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$) ларининг хона температурасидан то 1173 К температуралар оралиғидаги магнит қабул қилувчанлиги ҳамда магнит характеристикалари тадқиқоти натижалари баён қилинган.

Нодир ер алюминоборатларининг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланиши мос равишда 3-5 – расмларда берилган. 3-5 расмлардан кўриниб турибдики, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ намунасида 1073 К температурада битта синадиган, қолган ҳамма ўрганилган намуналар: $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 533 ва 1003 К ларда, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 643 ва 813 К ларда, $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 603 ва 733 К ларда, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 683 ва 813 К ларда, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{Al}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 523 ва 913 К ларда икки марта синадиган чизиқли табиатга эга.


Ўрганилган намуналар учун $\chi^{-1}(T)$ боғланишнинг чизиқли табиати шундан далолат берадики, $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-533 К, 533-1003 К, 1003-1223 К, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-1083 К, 1083-1223 К, $\text{TbAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-643 К, 643-823 К, 823-1123 К, $\text{HoAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-613 К, 613-733 К, 733-1123 К, $\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-693 К, 693-823 К, 823-1123 К, $\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-523 К, 523-913 К, 913-1123 К, $\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}\text{ErAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун 293-523 К, 523-873 К, 873-1123 К температуралар оралиғида $\chi = C/(T - \theta_p)$ кўринишдаги чизиқли Кюри – Вейсс қонунига бўйсинади.



1– $\text{GdAl}_3[\text{BO}_3]_4$ ва 2– $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ (χ^{-1} нинг графикдаги қийматига 0.8 кўшилади)


3 - расм. Нодир ер алюминоборатларининг магнит қабул қилувчанлиги тескари қийматининг температурадан боғлиқлиги.

Ўрганилган нодир ер алюминоборатларининг $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидаги синишларни қуйидагича тушунтириш мумкин. Маълумки, нодир ер алюминоборатларида магнитоактив компонент нодир ер металлари атомлари ҳисобланади, чунки улардаги магнит хосса 4f – электронларининг улушига тўғри келади. Бу электронлар нодир ер алюминоборатларининг кристалл панжараси тугунларида локаллашган ҳолда бўлади. Бошқа томондан бу металлларда магнит тартиблан ҳолат 25 °С температурадан пастда.



1– $TbAl_3[BO_3]_4$, 2– $HoAl_3(BO_3)_4$ ва 3– $ErAl_3[BO_3]_4$.

4 – расм. Нодир ер алюминоборатларининг магнит қабул қилувчанлиги тескари қийматининг температурадан боғлиқлиги.



1– $(Gd_{0.2}Y_{0.8})Al_3[BO_3]_4$ ва 2– $(Nd_{0.65}Y_{0.35})Al_3[BO_3]_4$.

5 - расм. Нодир ер алюминоборатларининг магнит қабул қилувчанлиги тескари қийматининг температурадан боғлиқлиги.

Бу ҳолда ҳам, учинчи бобдагидек намуналар иккита магнит системадан ташкил топган деб қаралди. Бу иккита магнит системалар нодир ер алюминоборатларининг магнит қабул қилувчанлигига ўз улушларини кўшади:

$$\chi = \chi^R + \chi^{Al} \quad (6)$$

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодир ер алюминоборатлари учун ёзилган бу ифодадаги иккинчи ҳад нолга тенг бўлади.

Бугунги кунда нодир ер алюминоборатлари устида олиб борилган тадқиқотлар бу намуналар паст температураларда антиферромагнит ҳолатда бўлишлигини кўрсатди. Барча нодир ер алюминоборатлари учун Кюри температураси $R^{3+}-R^{3+}$ системаларда алмашиш ўзаро таъсирни характерлашда муҳим роль ўйнайди.

Нодир ер элементли алюминоборатларнинг тажрибавий $\chi^{-1}(T)$ боғланишларидан фойдаланиб, уларнинг асосий магнит характеристикалари – парамагнит Кюри температураси (θ_p), Кюри-Вейсс доимийси – (C), ўрганилган намуналарнинг кимёвий формула бирлигига тўғри келувчи магнит моментлари - (μ_ϕ) ва эффектив магнит моментлари – ($\mu_{эфф}$) ҳисоблаш натижалари 2 – жадвалда келтирилган.

2- жадвал.

Нодир ер алюминоборатларининг асосий магнит характеристикалари

Намуналар	Темп. оралиғи, К	θ_p , К	$C \cdot 10^{-4}$, $\text{см}^3 \cdot \text{К} \cdot \text{г}^{-1}$	μ_ϕ , μ_B	S	L	J	gR	$\mu_{эфф}$, μ_B
NdAl ₃ (BO ₃) ₄	293-533	43	27.75	3,25	3/2	6	9/2	0.57	2.83
	533-1003	-1117	92.19	5,80					
	1003-1223	163	36.32	3,70					
Nd _{0.65} Y _{0.35} Al ₃ (BO ₃) ₄	293-523	63	11.74	2.30	3/2	6	9/2	0.57	1.83
	523-873	-2707	85.6	5.55					
	873-1223	313	13.66	2.25					
GdAl ₃ (BO ₃) ₄	293-1083	123	123.6	7.55	7/2	0	7/2	2	7.93
	1083-1253	-907	286.1	10.95					
Gd _{0.2} Y _{0.8} Al ₃ (BO ₃) ₄	293-523	13	32.82	3.40	7/2	0	7/2	2	7.93
	523-913	-627	73.85	4.95					
	913-1223	473	20.89	2.65					
ErAl ₃ (BO ₃) ₄	293 – 683	– 177	508	14	3/2	6	15/ 2	1.14	9.1
	683 – 813	– 83	368.5	12					
	813 – 1123	598	107.6	6.5					
HoAl ₃ (BO ₃) ₄	293 – 603	– 83	200	8.78	2	5	8	1.33	11.28
	603 – 733	– 457	500	13.9					
	733 – 1123	388	120	6.8					
TbAl ₃ (BO ₃) ₄	293 – 643	– 93	275.18	10.2	3	3	6	1.5	9.72
	643 – 813	– 357	432	12.82					
	813 – 1123	613	75.64	5.36					

Жадвални таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, θ_p , C ва μ_{ϕ} бўйича умумий қонуният кузатилмайди. θ_p - нинг манфий қийматга эга бўлиши ўрганилган алюминоборатларнинг паст температураларда антиферромагнит тартибланган ҳолатга эга бўлишидан гувоҳлик беради.

2 жадвалдаги маълумотларга қараганда $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ бирикмаларига иттрий атомининг қўшилиши уларда ҳар бир фазада магнит моментнинг камайишига олиб келди. $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун парамагнит Кюри температураси ошди, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ камайди. Бизнинг фикримизча Nd (ёки Gd) кристалл панжараси тугунларидаги 4f – электронларга иттрий атомининг таъсирлашиши билан боғлиқдир.

ХУЛОСА

Нодир ер ва ўтувчи элементлар боратларининг юқори ҳароратлардаги магнит хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Биринчи марта нодир ер элементли ферро- ва алюминоборатларнинг $\text{RM}_3(\text{BO}_3)_4$ (R=Tb, Er, Ho, Nd, Gd; M=Fe, Al) парамагнит ҳолатида уларнинг $\chi(T)$ боғланишлари 293-1123 K температуралар оралиғида ўрганилди. Ўрганилган барча боратларнинг $\chi^{-1}(T)$ - боғланишларида иккитадан синишлар кузатилди. Синишлар орасидаги $\chi^{-1}(T)$ боғланишлар Кюри – Вейсс қонунига бўйсиниши аниқланди.
2. Ўрганилаётган намуналарнинг $\chi^{-1}(T)$ боғланишлардаги аниқ температураларда аномал ўзгаришлар (синишлар) шу температураларда юз берадиган структуравий (полиморф) фазавий ўтишлар билан боғлаб тушунтирилди.
3. Ўрганилаётган боратларни тажрибавий $\chi(T)$ боғланишлари Ван-Флекнинг парамагнетизм назарияси орқали тушунтирилади. Боратларни $\chi^{-1}(T)$ боғланишларига энг кичик квадратлар усулини қўллаб, ЭХМ ёрдамида уларнинг асосий магнит характеристикалари парамагнит Кюри температураси (θ_p), Кюри – Вейсс доимийси (C), ва намуналарининг кимёвий формуласига тўғри келувчи магнит моментлари ($\mu_{\text{фор.}}$) ва эффектив магнит моментлари ($\mu_{\text{эфф.}}$) ҳисобланди.
4. $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ ва $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ бирикмаларидаги Nd ва Gd элементларининг атом улушларининг иттрий атомлари билан ($\text{Nd}_{0.65}\text{Y}_{0.35}$) ва ($\text{Gd}_{0.2}\text{Y}_{0.8}$) стехиометрик нисбатда ўзгартирилиши шу бирикмаларнинг ҳар бир полиморф фазасида магнит моменларининг камайишига олиб келиши аниқланди; $\text{NdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун парамагнит Кюри температурасининг абсолют қиймати ошди, $\text{GdAl}_3(\text{BO}_3)_4$ учун эса камайди. Бу, Nd (ёки Gd) панжаралар тугунида 4f – электронларни локаллаштириш даражасига иттрий атомларининг таъсири билан боғлаб тушунтирилди.

5. Ферро- ва алюминоборатлар магнит хоссаларининг улардаги полиморф (структуравий) ўтишларда ва улардаги алмашинув ўзаро таъсирини амалга ошишида магнитофаол ионлар (Dy, Nd, Gd, Tb, Ho, Er, Y, Fe) асосий роль ўйнаши кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.08.2017. FM.02.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
САМАРКАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

АМОНОВ БАХТИЁР УМРЗОКОВИЧ

**МАГНИТНЫЕ СВОЙСТВА БОРАТОВ РЕДКОЗЕМЕЛЬНЫХ И
ПЕРЕХОДНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ПРИ ВЫСОКИХ ТЕМПЕРАТУРАХ**

01.04.09 – Физика магнитных явлений

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № ВМ2017.2.PhD/FM73.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Кувандиков Облокул Кувандикович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нормуродов Муродулло Тогаевич доктор физико-математических наук, профессор Рамазанов Асрор Хамроевич кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании ученого совета PhD.29.08.2017.FM02.04 при Самаркандском государственном университете. (**Адрес:** 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. **Тел.:** (99866) 239-13-87, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40; **e-mail:** rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет Физический факультет, 1-этаж, 63-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №___). **Адрес:** 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. **Тел.:** (99866) 239-13-87, 239-11-40; **факс:** (99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 г.
(протокол рассылки №_____ от «__» _____ 2018 г.)

М.Х.Ашуров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

Р.М. Ражабов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.-м.н., доцент

Д.И.Семенов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Быстрое развитие современной науки и техники непосредственно связано с созданием новых прогрессирующих магнитных материалов с уникальными физико-химическими свойствами. В настоящее время соединения, содержащие 3d- и 4f- элементы, так называемые мультиферроики, кристаллическая структура которых схожи с естественной структурой минерала хантита, редкоземельные ферро- $RFe_3(BO_3)_4$ и алюмино - $RAI_3(BO_3)_4$ бораты считаются весьма перспективными для практического применения с научной и практической точки зрения. Интерес к этим материалам возрастает не только тем, что они обладают большим разнообразием магнитных, магнитооптических, резонансных и других физических свойств¹, но и в практическом плане они используются в качестве рабочих материалов в лазерной и вычислительной технике, прикладной магнитооптике, в различных устройствах микроэлектроники, магнитоакустики и т.д.

Одной из актуальных задач современной физики магнитных явлений с фундаментальной точки зрения является исследование свойств редкоземельных (РЗ) магнитных материалов, т.е. изучение магнитных свойств мультиферроиков. Такие материалы характеризуются яркими магнитными свойствами и их аномалиями при индуцированных магнитным полем фазовых переходах и совершенной технологией получения. С этой точки зрения, образование парамагнитного порядка, изучение электрических и магнитных свойств, и механизма магнитного взаимного влияния ферро- и алюмоборатов с различными редкоземельными металлами является одним из важных задач материаловедения.

В нашей стране усилено внимание на внедрение актуальных практических достижений фундаментальных наук. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, уделено особое внимание на разработку эффективных механизмов внедрения достижений научных исследований. В частности, большое внимание уделяется созданию технологии получения новых магнитных материалов, исследованию их электрических, магнитных, гальваномагнитных, а также оптических свойств этих материалов и применения их на практике. Имеет важное значение создание приборов нового поколения, работающих на основе физических процессов, протекающих в магнитных материалах и применение их на практике, создание дешевых, экономичных и принципиально отличающихся от существующих технологий, и повышение конкурентоспособности и эффективности продуктов промышленности магнитооптических вычислительных техник.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента № УП-4947 «О

¹ канд.дисс. Волков Д. В. Магнитные и магнитоупругие свойства редкоземельных ферроборатов $RFe_3(BO_3)_4$, R = Nd, Tb, Dy. Москва.- 2007

Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и в Постановлениях Президента № ПП-2772 «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017 – 2021 гг.» от 13 февраля 2017 года и № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: ПФИ-2 - «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

